

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ХЕН ДМИТРИЙ НИКОЛАЕВИЧ

**ОЛИНМАЙДИГАН ТИШ ПРОТЕЗЛАРИНИ КЎТАРА
ОЛМАСЛИКНИНГ ДИАГНОСТИКАСИ ВА УНИНГ
ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (PhD) dissertation

Хен Дмитрий Николаевич

Олинмайдиган тиш протезларини кўтара олмасликнинг диагностикаси
ва унинг профилактикаси..... 3

Хен Дмитрий Николаевич

Диагностика непереносимости к несъемным зубным протезам и ее
профилактика 25

Khen Dmitriy Nicolaevich

Diagnostics of intolerance to non-removable dentures and its
prevention..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 48

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ХЕН ДМИТРИЙ НИКОЛАЕВИЧ

**ОЛИНМАЙДИГАН ТИШ ПРОТЕЗЛАРИНИ КЎТАРА
ОЛМАСЛИКНИНГ ДИАГНОСТИКАСИ ВА УНИНГ
ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Tib504 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз) www.tdsi.uz веб-саҳифасида ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гаффаров Суннатулло Амруллаевич,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рузуддинов Саурбек Рузуддинович,
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Қозоғистон)

Хабилов Нугмон Лукмонович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Воронеж давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси).

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc04/30.12..2019.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил « 18 » сентябр соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси, 103 уй, Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (84 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси, 103 уй. Тел.: (+99871) 230-20-65; e-mail: tdsi2016@mail.ru

Диссертация автореферати 2020 йил « 9 » сентябр да тарқатилди.
(2020 йил « 9 » сентябр даги 84 рақамли реестр баённомаси).



Н.К.Хайдаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Л.Э.Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори

О.Е.Бекжанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё стоматологик амалиётида турли хил ортопедик ва ортодонтик нуқсонлар, шу жумладан турли даражадаги адентия кўринишида намоён бўладиган шакллар юқори частотада учрайди. Муаллифларнинг маълумотларига кўра "... адентиянинг тарқалиши сезиларли даражада ошди ва маълумотларга кўра 35,4-62,9% ни ташкил қилади".¹ Кўпгина тадқиқотчилар қайд этишича, олинадиган тиш протезларидан фойдаланадиган беморларда мослашувчанлик ҳар хил даражада бўлади, бу эса кўтара олмаслик ривожланишини башорат қилишга имкон беради. Шундай қилиб, оғиз бўшлиғи гомеостазига ва организмнинг умумий ҳолатига таъсир қилиш хусусиятига эга адентияни ташхислаш, олдини олиш ва даволашнинг замонавий усуллари таклиф қилиш имконини берадиган концепцияни шакллантириш зарурати пайдо бўлади.

Бугунги кунда дунёдаги кўплаб илмий тадқиқотлар тиш протезларини кўтара олмасликнинг ривожланиш масалаларига қаратилган. Шу билан бирга, хорижий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, турли гуруҳларда текширилган беморлар турли сабабларни кўрсатганлар ва шу сабабли ушбу патологияни тўлиқ даволашнинг имкони йўқ. Амалга оширилган бир қатор илмий ишлар, турлича бўлиши мумкин бўлган металл киритмаларни кўтара олмасликнинг объектив намоён бўлишини ўрганишга бағишланган. Металл тиш протезлари ва шиллик қаватнинг турли патологик ҳолатлари ўртасида муайян боғлиқлик борлиги қайд этилди. Оғиз бўшлиғидаги асоратлар билан бир қаторда, бошқа органлар ва тизимларда ҳам ўзгаришлар қайд этилади. Тиш протезларини кўтара олмаслик патогенезининг долзарблиги ва илмий тадқиқотларнинг етарли даражада эмаслиги, ушбу ҳолатдан азият чекаётган беморларнинг кўплиги, ушбу масала бўйича кейинги изланишларнинг назарий ва амалий аҳамияти ушбу диссертация мавзусини танлашни белгилаб берди.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, хусусан, стоматологик касалликлар ва уларнинг асоратларини камайтириш, шунингдек, ушбу патологияси бўлган беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва қуйидаги вазифалар белгилаб берилган: "...тиббий хизматнинг самарадорлиги, сифати ва фойдаланиш имкониятини ошириш ёрдам бериш, соғлом турмуш тарзи ва касалликларнинг олдини олиш, шу жумладан тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, диагностика ва даволашнинг юқори технологияли усуллари, патронаж ва диспансеризациянинг самарали моделларини жорий этиш ..." ². Ушбу вазифалар замонавий тиббий ёрдам даражасини ошириш, аҳоли ўртасида стоматологик касалликларнинг асоратини ташхислаш ва даволаш, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш учун

¹ Гаждва С. И., Пашинян Г. А., Алешина О. А. //Стоматология. – 2010. – №2. – С. 62-64.

² Указ Президента Республики Узбекистан № ПП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан»

замонавий технологиялардан фойдаланиш каби чуқур илмий изланишларнинг устувор йўналишларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисидаги Қарорлари, 2018 йил 10 майдаги 5274-сон “Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича танқидий ўрганиш ва таклифлар тайёрлашни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши, шунингдек, ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда ортопедик стоматологияда тиш протезларини тайёрлашда кўплаб материаллар қўлланилади. Улар зангламайдиган пўлат, КХҚ (кобалт-хром қотишмаси), чинни, пластмасса ва уларнинг комбинацияларидан иборат бўлади. Беморни протезлашда ишлатиладиган материални танлаш тиш протезининг режалаштирилган конструкциясига қараб шифокор томонидан белгиланади. Олдиндан беморнинг тиш протезига мослашиши уни ишлаб чиқариш сифатига боғлиқ деб тахмин қилиш мумкин. Шунга қарамай, адабиётларда тиш протезининг протез жойлашган тўқималарга ва умуман организмга, уларга мослашиш жараёнларига ноўйиб таъсири тўғрисида кўплаб тадқиқотлар мавжуд.

Металл киритмаларни кўтара олмасликнинг объектив намоён бўлиши жуда хилма-хил бўлиши мумкин. Металл тиш протезлари ва пародонт тўқимаси ва шиллик қаватнинг турли патологик ҳолатлари ўртасида аниқ боғлиқлик қайд этилган (Русанов В.П. ва бошқалар, 2010; Борисова Э.Г. ва бошқалар, 2018). Оғиз бўшлиғидаги асоратлар билан бир қаторда, бошқа органлар ва тизимларда ҳам ўзгаришлар қайд этилган. Пўлатдан тайёрланган протезлар бўлганда, бундай беморларда ширин, аччиқ, кам ҳолларда шўр, нордонга нисбатан таъм сезгирлигининг бузилиши ва кучайиши қайд этилади. Бу нафақат микрооқимларнинг мавжудлиги билан, балки организмнинг умумий ҳолати, биринчи навбатда ошқозон-ичак трактининг ҳолати билан яқин алоқада бўлган оғиз бўшлиғи рецептор аппаратининг маълум даражада тузилганлиги билан боғлиқдир (Еремин О.В., 2013).

Муаллифлар ишончли диагностика усулларини ҳисобга олган ҳолда, оғиз бўшлиғи ва бутун организмнинг тўқималарида металл протезларга

таъсир қилувчи барча омилларни ҳисобга олиш керак деб ҳисоблашади. Шу муносабат билан, эркин радикал липид оксидланиш интенсивлиги ва антиоксидант тизимнинг ҳолатини (Агзамходжаев С.С. ва бошқ., 2009), хужайра ва гуморал иммунитет кўрсаткичларини (Ахмедов Ж.Х., 2010; Амираев У.А. ва бошқалар, 2016) ўрганиш металл тиш протезларни кўтара олмасликнинг яширин патогенетик механизмларини аниқлаши мумкин.

Шундай қилиб, муаллифлар маълумотларининг таҳлили шундан далолат берадики, ортопедик стоматологияда ишлатиладиган турли хил материаллар қўлланганда оғиз суюқлигининг таркиби ва хусусиятлари ўрганилмаган. Муаллифлар тиш протезининг яхлитлиги ва унинг ишлатиш динамикасида бўладиган нуқсонлар тўғрисидаги фактлар билан чекланишган.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институти илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ “Стоматологик касалликларни ташхислашда янги технологиялар” (2017-2021 йй.) мавзуси бўйича бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади: турли материаллардан тайёрланган олинмайдиган тиш протезларини кўтара олмасликнинг ташхислаш ва профилактикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оғиз суюқлигида кислороднинг юқори реакцион шакллари интенсивлиги ва антипероксид тизим қувватига боғлиқ ҳолда турли материаллардан тайёрланган тиш протезларини кўтара олмасликни клиник-лаборатор таҳлилини ўтказиш;

турли материаллардан тайёрланган тиш протезларини кўтара олмасликни ташхислашда интеграл лейкоцитар индекслар аҳамиятини баҳолаш;

янги инновацион технологияларни қўллаш орқали тиш конструкцион материалларни кўтара олмасликни башоратлаш ва эрта ташхислашнинг қўшимча усулларини ишлаб чиқиш;

тиш протезларини кўтара олмаслик манифестацияси намоён бўлишида тиш протезлари тайёрланган материалларни таъсирини таққосий таҳлилини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қисман иккиламчи адентия бўлган 30-60 ёшлардаги 104 нафар бемор танланди, эркалар 56 нафарни ва аёллар 48 нафарни ташкил этди, назорат гуруҳи сифатида 17 нафар соғлом одамлар танланди.

Тадқиқотнинг предмети: доимий тишлар, илдизлар, гигиена воситалари, олинмайдиган тиш протезлари ва стоматологик кўрсаткичларини аниқлаш учун оғиз суюқлиги.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган мақсадга эришиш ва вазифаларни бажариш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди: клиник-стоматологик, биокимёвий ва статистик.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш учун турли материаллардан тайёрланган олинмайдиган тиш протезларини кўтара олмаслик асосланган;

ГАФК интенсивлиги ва антипероксид химоя тизими баҳолаш асосида тиш протезларини кўтара олмаслик ҳолатлари беморларнинг моноклиник гуруҳларида стоматологик ҳолатнинг ўзига хослиги аниқланган;

организмнинг биологик суюқликлари ягона тизимида липидларнинг перекисли оксидланиши маҳсулотларини ортиши асосида оғиз суюқлигининг биологик роли тўғрисидаги комплекс маълумотлар шакллантирилган;

тиш протезларини кўтара олмасликнинг клиник асосланган тавсифларига таяниб, тиш протезларини кўтара олмасликни олдини олишнинг объектив чоралар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

тиш протезларини кўтара олмаслик булган беморларда профилактик жараёнларини такомиллаштириш, реабилитация тактикасини белгилаш, даволашдаги клиник самарадорлигини ошириш, ҳаёт сифатини яхшилаш имкониятининг яратилгани билан изоҳланади;

тиш протезларини кутара олмаслик ҳолатидаги беморлар организмида адаптив реакциялар молекуляр механизм даражасида уткир клиник ҳолат юзага келишида боғлиқлик мавжудлиги аниқланди;

металлокерамик тиш протезларининг куллаланилиши оқибатида оғиз бушлиги объектив ва субъектив ноқулай гигиеник ҳолатини курсаткичлари учраши камайиши исботланди .

Илмий натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотда қўлланиладиган замонавий услублар ва ёндашувларнинг тўғрилиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотлар билан мувофиқлиги, ўтказилган тестларнинг аниқлиги, беморларнинг етарли сони, тиббий-статистик материалларнинг клиник, биокимёвий усуллар бўйича асослилиги, натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар билан таққослаш; олинган хулосаларни, натижаларни ваколатли органлар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамият и шундан иборатки, ишлаб чиқилган илмий-назарий хулоса ва таклифлар тиш протезларини кўтара олмаслик булган беморларда ташхислаш ва даволашнинг услубий асосларини ривожлантиришга ҳамда мазкур касалликни даволаш юзасидан услубий аппаратни такомиллаштиришга хизмат килиш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, тиш протезларини кўтара олмаслик булган беморларда профилактик жараёнларини такомиллаштириш, реабилитация тактикасини белгилаш , даволашдаги клиник самарадорлигини ошириш, ҳаёт сифатини яхшилаш имкониятини нг яратилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олинмайдиган тиш протезларини кўтара олмаслик ташхисоти усуллари ва олдини олишни

такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар амалий тиббиётга тадбиқ этилди:

“Иккиламчи қисман адентия билан оғриган беморлар оғиз суюқлигининг физик-кимёвий хусусиятлари” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 01 июлдаги 8н-р/201сонли хулосаси). Мазкур тавсияномада олинмайдиган тиш протезларини кўтара олмасликни олдини олиш ва ташхис қўйишнинг янги усулларини ишлаб чиқишга имкон берган;

“Тиш протезларини кўтара олмасликни ташхислашда лейкоцитларнинг интеграл индекслари” номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 1 июлдаги 8н-р/ 200-сонли хулосаси). Мазкур услубий тавсияномаси умумий даволаш курсининг давомийлигини қисқартиришга, конструкцион материалларни эрта кўтара олмаслик туфайли касалликнинг кучайишини олдини олишга имкон берган;

олинган натижалар амалий соғлиқни сақлаш соҳасига, хусусан, Тошкент шаҳридаги “Дента Мед плюс” стоматология маркази, “Sardor denta” стоматологик клиника фаолиятига, Бухоро вилоят стоматология поликлиникаси ва Бухоро вилоят болалар стоматология поликлиникаси фаолиятига тадбиқ этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 10 сентябрдаги 8н-д/109-сонли хулосаси). Олинган натижаларни тадбиқ этиш натижасида, беморларнинг яшаш сифатини яхшилаш мумкин бўлди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан 3 та халқаро ва 1 та республика конференциясида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш чоп этилди, улардан 10 таси журналларда, жумладан 3 таси диссертациянинг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган республика журналларида ва 7 таси хорижий журналларда чоп этилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар аниқ шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предметига тавсиф берилган, ЎзР Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги аниқланган ва тадқиқотнинг амалий натижалари кўрсатилган, иш натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, мавзу бўйича чоп этилган мақолалар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи “**Адабиётлар шарҳи**” бобида адабиётлар шарҳи тақдим этилган, у ерда маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг тиш протезларини кўтара олмасликнинг эпидемиологияси, патогенези, клиникаси

ҳақидаги илмий-амалий маълумотлари таҳлил қилинган. Касалликнинг олдини олиш ва даволаш усулларининг афзалликлари ва камчиликларини таҳлил қилиниб, муаммонинг ечимини топган ва ўз ечимини топиши керак бўлган мезонлари белгиланган.

Диссертациянинг иккинчи **“Клиник тадқиқотлар материаллари ва усуллари”** бобида асосий материаллар ва тадқиқот усуллари баён қилинган.

Қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун ТошВМОИ “Стоматология, болалар стоматологияси ва ортодонтияси” кафедраси базасида клиник-лаборатория ишлари олиб борилди. Ушбу тадқиқотни ўтказиш учун протезлашда ишлатилган конструкцион материалга қараб, беморлар 3 гуруҳга бўлинди. Биринчи (назорат) гуруҳни пародонт ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати патологияси белгилари ва ҳеч қандай протезлари бўлмаган, интакт тиш қаторли, деярли соғлом 17 нафар одам ташкил этди. Конструкцион материал сифатида зангламайдиган пўлатдан ясалган тиш протезлари бўлган ва пародонт ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати патологияларисиз 46 нафар бемор 2-гуруҳга киритилди. 3-гуруҳни металл-керамикадан ясалган протезлари бўлган 58 нафар бемор ташкил этди.

Малон диальдегид миқдори Н.Д.Стальной ва Т.Г.Гаришвили томонидан тавсифланган усул билан аниқланди (1977). Аралаш сўлакдаги гидропероксиднинг миқдори В.В.Гаврилов ва С.И.Мишкорудная (1983) усули билан аниқланди. Аралаш сўлакдаги умумий липидлар миқдори “La Chema” биотести (Чехия) ёрдамида амалга оширилди. Аралаш сўлакнинг антипероксидланиш фаоллигини аниқлаш У.К.Ибрагимов ва ҳаммуал. усули бўйича олиб борилди (1993). Аралаш сўлакдаги СОД фаоллиги Р.Н. Mirsa & I.S. Fridovich (1972) усули бўйича О.С.Брусова ва ҳаммуаллифлар модификациясида аниқланди (1982).

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш вариацион статистика усули билан амалга оширилди. Фарқларнинг ишончлилиги 95% ишончлилик доирасида Стьюдент мезонлари ёрдамида баҳоланди ($p < 0,05$).

Диссертациянинг учинчи **“Тиш протезларини кўтара олмаслик мавжуд беморларнинг клиник текширув натижалари”** бобида беморларнинг стоматологик ҳолати ўрганилган ва у қуйидагилардан иборат бўлди: анамнез йиғиш; визуал текшириш; оғиз бўшлиғини инструментал текшириш; КПО (кариес, пломба, олинган тиш) индекси бўйича кариеснинг тарқалиши ва интенсивлигини ўрганиш; шикастланган оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг ҳолатини текшириш; Silness-Loe содалаштирилган гигиена индексини, Muhlemann-Cowell бўйича қон кетиш индексини, МЧ (милк чўнтаги) чуқурлигини (мм), Miller-Fleszar бўйича тишларнинг ҳаракатчанлик индексини аниқлаш.

Текширилган 104 нафар беморда ортопедик даволаш амалга оширилди. 58 та беморга металл-керамика протезлар, 46 та беморга зангламайдиган пўлат протезлар тайёрланди. Таянч тишлар пародонти ҳолатига тиш протезининг ижобий ва салбий таъсирини аниқлаш учун анъанавий

кўприклар тайёрланган таянч тишлар пародонтини қиёсий клиник-функционал текширувлари ўтказилди.

Клиник-стоматоскопик текширув шуни кўрсатдики, тиш қаторидаги нуқсонлар оғиз бўшлиғи тўқималарида анатомик ўзгаришларга олиб келади, яъни нуқсонлар алвеоляр тизма юзаси шиллик қаватидаги турғун стоматоскопик ўзгаришларни келтириб чиқаради, патологик ўзгаришлар даражаси тиш нуқсони ҳажми ва давомийлигига боғлиқ бўлади.

Кариоз зарарланишнинг интенсивлик кўрсаткичлари таққосланганда, 2-гуруҳдаги беморларда К индексининг ўртача кўрсаткичи $3,66 \pm 0,57$ ни, 3-гуруҳ беморларида $3,14 \pm 0,51$ ни ташкил қилди. 3-гуруҳ беморларида пломбаланган тишлар сонининг ўртача кўрсаткичи 2-гуруҳ беморларига қараганда бир оз кўпроқ бўлди ($2,92 \pm 0,46$ га нисбатан $3,93 \pm 0,64$). У индекси қийматларини таққослашда КПО индексининг барча таркибий қисмлари орасида энг юқори миқдорий кўрсаткичлар қайд этилди: 2-гуруҳ ва 3-гуруҳ беморларида мос равишда $18,9 \pm 1,24$ ва $19,05 \pm 1,34$.

2-гуруҳдаги ($25,47 \pm 0,75$) ва 3-гуруҳдаги ($26,12 \pm 0,83$) КПОТ кўрсаткичларини таққослашда кариеснинг юқори даражадаги интенсивлиги қайд этилди. Олинган барча қийматлар бир-бирига жуда яқин, аммо статистик қайта ишлаш шуни кўрсатдики, ушбу кўрсаткичлар бир-биридан ишончли фарқ қилмайди.

1-жадвал

Беморларда СРІ индекси миқдорий кўрсаткичларининг намоён бўлиши

Пародонт зарарланиши клиник белгиларининг солиштирма улуши	2 гуруҳ	3 гуруҳ
Соғлом тўқималар	-	-
Милк қонаши	$0,19 \pm 0,07$	$0,11 \pm 0,05$
Тиш тошлари	$1,25 \pm 0,21$	$1,23 \pm 0,1$
4-5 мм чуқурликка эга пародонтал чўнтак	$1,1 \pm 0,24$	$1,7 \pm 0,22$
Истисно қилинган секстантлар	$1,2 \pm 0,26$	$0,61 \pm 0,25$

Гуруҳлар ўртасида СРІ кўрсаткичларини таққосий тахлилинини кўрсатишича, қон кетиш кузатилган секстантлар сони ўртача 2 гуруҳда $0,19 \pm 0,07$ ва 3 гуруҳда $0,11 \pm 0,05$ га тенг бўлди. Тиш карашлари эса 2 гуруҳ беморларида $1,25 \pm 0,21$ секстантга тенг бўлса, 3 гуруҳда эса бу кўрсаткич $1,23 \pm 0,17$ ни ташкил қилди. 4-5 мм га тенг пародонтал чўнтаклар 2 ва 3 гуруҳ беморларида мос ҳолда $1,1 \pm 0,24$ ва $1,7 \pm 0,22$ сектантга тўғри келди. беморларда тишлар йўқлигини кўрсатувчи секстантлар мос равишда $1,2 \pm 0,26$ ва $0,61 \pm 0,25$ натижа қайд этилди. Олинган натижалар ўзаро ишонарли бўлди ($t < 2$).

Тадқиқотимизда беморлар учун гигиена индексини аниқлаш учун биз Turessky индексидан фойдаландик, у бошқа гигиена кўрсаткичлари билан солиштирилганда, нафақат кекса ёшдаги беморларда кўпинча йўқ бўлган индексли тишларни эмас, балки оғиз бўшлиғида мавжуд бўлган барча

тишларни (учинчи моляр бундан мустасно) баҳолашга имкон беради.

Шунингдек, ушбу гигиена кўрсаткичи тиш тож қисмини 6 сегментга бўлиш ҳисобига, нафақат вестибуляр ва тил/танглай юзаларида, балки апроксимал юзаларда ҳам тиш караши борлигини аниқлашга имкон беради.

Тадқиқотга киритилган беморларнинг гигиена даражасини ўрганиш учун ҳар бир гуруҳ ичида ва гуруҳлар орасида таҳлил ўтказилди. Гуруҳ ичидаги гигиена даражасини баҳолаш учун беморлар жинс бўйича тақсимланди.

1- ва 3-гуруҳлардаги эркакларда оғиз гигиенаси даражаси (мос равишда $15,03 \pm 0,31$ ва $17,54 \pm 0,44$) аёлларникига қараганда бир оз юқорироқ ($14,44 \pm 0,29$ ва $16,61 \pm 0,35$) бўлди.

2-гуруҳ беморларида Turesky индексининг ўртача кўрсаткичлари деярли бир хил бўлди, яъни эркакларда $13,88 \pm 0,39$ ни ва аёлларда $13,91 \pm 0,5$ ни ташкил этди.

Протезлашдан олдин оғиз бўшлиғини терапевтик, пародонтологик ва жарроҳлик санациясини ўтказишдан сўнг, беморларда тиш қатори нуқсонларининг тури аниқланди. Нуқсонларни аниқлаш учун тадқиқотда Кеннеди таснифи ишлатилди.

Санация ўтказилгандан сўнг, металл-керамикадан: 86 та кўприксимон протез ва 23 та сунъий тиш тожи, зангламайдиган пўлатдан: 75 та кўприксимон протез, 9 та сунъий тиш тожи ва 3 та консол протезини ясаш керак бўлди.

2-жадвал

Тиш протезларига мослашиш динамикасида беморлар оғиз суюқлигидаги эркин МДА миқдори ва КФШГ (кислороднинг фаол шакли генерацияси) томонидан индуцирланган тизимларнинг интенсивлиги

Беморлар гуруҳлари		Эркин МДА	Ферментга боғлиқ бўлмаган КФШГ	Ферментга боғлиқ КФШГ
2-гуруҳ беморлари	Протезлашдан олдин	$8,98 \pm 0,33^*$	$42,02 \pm 2,19$	$71,05 \pm 3,26^*$
	Протезлашдан сўнг 1-2-кун	$8,06 \pm 0,42^*$	$51,98 \pm 2,73^*$	$62,69 \pm 3,35$
	14- кун	$6,08 \pm 0,22$	$51,02 \pm 0,83^*$	$57,37 \pm 0,50$
	28-кун	$5,46 \pm 0,32$	$46,91 \pm 1,82^*$	$55,08 \pm 0,73$
3-уруҳ беморлари	Протезлашдан олдин	$8,55 \pm 0,23^*$	$39,55 \pm 0,56$	$62,94 \pm 1,44$
	Протезлашдан сўнг 1-2-кун	$6,48 \pm 0,35$	$26,25 \pm 1,11^*$	$36,39 \pm 1,37^*$
	14- кун	$5,53 \pm 0,31$	$31,30 \pm 1,40$	$40,04 \pm 1,83^*$
	28-кун	$5,70 \pm 0,24$	$33,63 \pm 1,18$	$46,19 \pm 1,63$
Назорат гуруҳи		$6,29 \pm 0,19$	$37,28 \pm 1,34$	$58,59 \pm 1,29$

Изоҳ *- беморлар ва назорат гуруҳидаги шахсларнинг ўхшаш кўрсаткичлари ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги $P < 0,05$.

Тўлик тишли, биринчи гуруҳдаги беморларда эркин МДА (малон диальдегиди) миқдори жуда кам миқдорда бўлди, бу адабиётлардаги маълумотларга мос келади (Бурлакова Е.Б. ва бошқ., 1995; Агзамходжаев С.С., 1998). Оғиз суюқлигидаги ва қон зардобидидаги эркин МДА миқдори солиштирилганда, оғиз суюқлигида унинг миқдори кўп бўлиши аниқланди, гарчи бу умумий оқсил миқдорида боғлиқ бўлса ҳам (Ибрагимов У.К. ва бошқалар, 1995). Оғиз суюқлигидаги оқсил миқдори қон зардобига нисбатан 10-15 баравар кам бўлсада, сўлакдаги эркин МДА миқдори қонга қараганда 12-15 баравар юқори. Шунинг учун қон зардобиди ва оғиз суюқлигидаги эркин МДА миқдори тахминан тенгдир.

Протезлашдан олдин, иккинчи гуруҳдаги беморларнинг оғиз суюқлигида эркин МДА нинг тўпланиши худди шундай назорат кўрсаткичига нисбатан 1,4 мартадан юқори, бу, эҳтимол, адентия соҳасида протез жойлашган тўқималарга зарар етиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бир қатор муаллифлар эркин МДА тўпланишини, яллиғланишда кузатиладиган простагландинлар синтезининг ошиши билан боғлашади (Е.Б. Бурлакова ва бошқ., 1995), унда МДА салбий метаболит сифатида ҳосил бўлади.

Протезларга мослашиш жараёнида аралаш сўлак таркибидидаги биокимёвий ўзгаришлар беморлар шикоятларининг намоён бўлишига параллел равишда ўзгариб борди. Тиш протези қўйилгандан сўнг, энг кўп учрайдиган шикоятлардан бири бу: оғиз бўшлиғидидаги бегона (ёт) жисм ҳисси бўлди. Шикоятларнинг жиддийлиги балларда баҳоланди: бегона жисм ҳисси йўқ (0 балл); бемор оғиз бўшлиғидида бегона жисм ҳиссини камдан-кам сездиди (1 балл); бемор оғиз бўшлиғидида бегона жисм ҳиссини кўп сездиди (2 балл); доимий равишда бегона жисмни ҳис қилиш (3 балл); оғизда бегона жисм мавжудлиги сабабли ноқулайлик ҳис қилиш (4 балл). Протез қўйилгандан кейинги биринчи кунда иккинчи гуруҳда ушбу шикоятнинг намоён бўлишига қараб беморлар қўйидагича тақсимланди: 0 балл - беморларнинг 10%; 1 балл - 20%; 2 балл - 30%; 3 балл - 30%; 4 балл - 10%. Шунинг учун, протезлашдан кейин оғиз бўшлиғидида бегона жисм ҳиссининг намоён бўлиш даражасига кўра беморларнинг тақсимланиши жуда кенг диапазонда ўзгариб туради. Тиш протезларига мослашиш жараёнида иккинчи гуруҳда, 28-кунга келиб, беморлар шикоятларининг намоён бўлиш даражасига қараб қўйидагича тақсимланди. Бегона жисм ҳиссининг намоён бўлиши 0 балл бўлган беморлар - 50%; 1 балл - 20%; 2 балл - 10%; 3 балл - 10%.

Шундай қилиб, протезларга мослашиш жараёнида тиш протезидан сўнг шикоятларнинг намоён бўлиш даражаси пасайди. Шунинг таъкидлаш керакки, тўлик мослашув (адаптация) беморларнинг 20 фоизидида бўлмади, бу эса бундай беморларни кузатишда адаптогенларни қидириш ва буюриш керак деган хулосага келишимизга имкон беради.

Беморларнинг иккинчи кенг тарқалган шикояти гиперсаливация (сўлакнинг кўп ажралиши) бўлди. Иккинчи гуруҳдаги беморларни гиперсаливация аломатлари безовта қилмади (0 балл), кузатилди, лекин

беморларни безовта қилмади (1 балл), қисқа вақт кузатилди (2 балл), узоқ вақт кузатилди (3 балл), доимий равишда кузатилди ва беморга ноқулайлик туғдирди (4 балл). Тиш протезларидан фойдалангандан кейинги биринчи кунда гиперсаливация даражасига кўра беморларнинг тақсимланиш куйидагича бўлди. Гиперсаливация даражаси 0 балл бўлган беморлар 10%, 1 балл - 20%, 2 балл - 40%, 3 балл - 20%, 4 балл - 10%. Тиш протезларини қўллашнинг 28-кунига келиб, мослашув жараёни аниқроқ бўлди ва гиперсаливация даражасига кўра беморларни тақсимланиши куйидагича бўлди. 1 балл яққол гиперсаливацияга шикоят қилган беморларнинг сони 40%, 2 балл - 10%, 3 балл - 10%ни ташкил этди, беморларнинг 40% ида шикоятлар бўлмади.

Шундай қилиб, мослашув жараёнида тиш қатори бутунлигини тўлдириш натижасида сўлак безларининг таъсирланиши барча беморларда бир хил бўлмади. Беморларнинг 20%ида, ҳатто 28-кунга келиб, протезлашдан норози бўлиш қайд этилди, бу протезнинг сифатига эмас, балки протез материалининг ножўя таъсири билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Беморларнинг учинчи гуруҳида бегона жисмни сезиш ҳиссининг яққоллигига қараб беморларни тақсимланиши куйидагича бўлди. Бундай шикояти бўлмаган беморлар беморларнинг 18,2% ини ташкил этди; 1 балл - 9,1%; 2 балл - 36,3%; 3 балл - 27,3% ва 4 балл - 9,1%. Шунинг учун протезлашдан кейин оғиз бўшлиғидаги бегона жисмни ҳис қилиш даражасига қараб беморларнинг тақсимланиши, аввалги гуруҳ билан таққослаганда тахминан бир хил бўлди.

Протезларга мослашиш жараёнида учинчи гуруҳдаги беморларда, бегона жисм ҳисси бўйича шикоятларнинг намоён бўлишига қараб беморларни тақсимлаш куйидагича бўлди. 1 баллда шикоятлари намоён бўлган беморлар 18,2%; 2 балл - 9,1%, шикояти йўқ беморлар 63,7% ни ташкил этди. Шундай қилиб, иккинчи ва учинчи гуруҳларда оғиз бўшлиғидаги бегона жисм ҳиссидан шикоят қилган беморларнинг сонидан бир хилда пасайиш кузатилди, гарчи учинчи гуруҳда шикоятлар тўлиқ бўлмаган беморларнинг сони кўп бўлсада, гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқ топилмади.

Тиш протезларидан фойдалангандан кейинги биринчи кунда гиперсаливациянинг намоён бўлишига кўра учинчи гуруҳдаги беморларнинг бўлиниши куйидагича бўлди. Гиперсаливацияга шикоятлари бўлган беморлар сони 1 балл - 18,2%, 2 балл - 36,3%, 3 балл - 27,3%, 4 балл - 9,1% ва шикояти бўлмаганлар - 9,1%. Тиш протезларидан фойдаланишнинг 28-кунига келиб, мослашув натижасида гиперсаливациянинг намоён бўлишига қараб беморларнинг тақсимланиш гистограммасида ўзгаришлар бўлди. Гиперсаливацияга шикоят қилган беморлар сони 1 балл - 45,4%, 2 балл - 9,1%, беморларнинг 45,5% ида шикоятлар бўлмади.

Зангламайдиган пўлатдан ясалган протезга мослашув динамикасида иккинчи гуруҳдаги беморлар оғиз суюқлигида аскорбин кислотаси келтириб чиқарадиган КФШ (кислороднинг фаол шакли) мустақил генерацияси

ферментининг интенсивлиги сезиларли даражада ошди. Эҳтимол, оғиз бўшлиғида ўзгарувчан валентли металл мавжудлиги КФШ генерациясининг фаоллашишига сабаб бўлган. Ушбу тахминнинг тўғрилиги учинчи гуруҳ беморларида аралаш сўлакнинг шунга ўхшаш тадқиқотида тасдиқланган. Кимёвий жиҳатдан инертроқ бўлган материалдан протезлаш, фермент бўлмаган тизим томонидан кўзғатилган КФШ генерацияси интенсивлигининг пасайишига олиб келди. Олти бирликдан ортик зангламайдиган пўлатдан ясалган протези бўлган беморларнинг оғиз суюқликларида КФШ генерациясини кучайтириш ўртасидаги боғлиқлик С.С.Агзамходжаев (1998) ишида кўрсатилган.

3-жадвал

Тиш протезларига мослашув динамикасида беморлар оғиз суюқлигида оксидланишга қарши тизимнинг ҳолати

Беморлар гуруҳлари		АПФ ммоль Н ₂ О ₂ /мг оқсил	%Т СОД	СОД фаоллиги ммоль адреналин/ мг оқсил*дақ
2-гуруҳдаги беморлар	Протезлашдан олдин	40,60 ± 0,46	67,13 ± 1,19	2,07 ± 0,11
	Протезлашдан сўнг 1-2-кун	17,50 ± 1,36 *	61,72 ± 0,83*	1,64 ± 0,07
	14- кун	28,20 ± 0,34	56,61 ± 1,43*	1,32 ± 0,08*
	28-кун	32,95 ± 0,99	62,40 ± 0,24	1,66 ± 0,02
3-гуруҳдаги беморлар	Протезлашдан олдин	35,50 ± 0,53	66,88 ± 0,59	2,03 ± 0,04
	Протезлашдан сўнг 1-2-кун	12,20 ± 0,60*	50,76 ± 1,04*	1,04 ± 0,05*
	14- кун	24,60 ± 1,02	53,00 ± 0,34	1,13 ± 0,01*
	28-кун	30,40 ± 1,00	62,10 ± 0,48	1,64 ± 0,03
Назорат гуруҳи		38,50 ± 2,20	70,05 ± 2,35	2,34 ± 0,22

Изоҳ: *- беморлар ва назорат гуруҳидаги шахсларнинг ўхшаш кўрсаткичлари ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги P<0,05.

СОД фаоллиги адреналиннинг оксидланишини ингибирлаш фоизига, шунингдек фермент фаоллигини аниқлашга қараб баҳоланди. Шуни таъкидлаш керакки, иккала кўрсаткич ҳам бир хил йўналишда ўзгарган ва уларнинг маълумотлари тенг бўлди. СОД нинг фаол маркази таркибида рух ва мис бор, уларнинг кимёвий фаоллиги ўзгарувчан валентлик металлларидан сезиларли даражада фарқ қилади. Шундай қилиб, антиоксидант тизимнинг ўрганилган параметрлари орасида оғиз суюқлигининг АПФ (антипероксидланиш фаоллиги) даги ўзгаришлари яққолроқ бўлди.

Учинчи гуруҳ беморларида аралаш сўлакда АОТ ферменти фаоллиги пасайиши кузатилди (3-жадвал). Металл-керамика протезлари билан протезлаш натижасида умумий антиоксидант фаолликни ташкил этувчи ферментлар фаоллигининг пасайиши кузатилди ва бу ЛПО (липидлар

пероксидланиши) интенсивлигининг пасайиши билан мос келди. Металл-керамика материаллар билан протезлашда, фақат пўлатдан ясалган протезларга қараганда, АПФ (антипероксидланиш фаоллик) умумий сонининг камайиши кўпроқ аниқланди. СОД фаоллигини ўрганишда шунга ўхшаш тенденция аниқланди. Шунинг учун тиш протезларига мослашиш жараёни протезлар қўйилган дастлабки босқичларда АОТ ферментларининг фаоллиги пасайиши билан бирга кечади. Тиш протезларидан фойдаланишга мослашиш жараёнининг кейинги даврларида АОТ ферментларининг фаоллиги тикланганлиги қайд этилди.

Протездан олдин текширилган шахсларнинг интеграл индексларидаги ўзгаришларнинг таҳлили ЛЭНИдан ташқари барча ҳисобланган индекслардаги назорат кўрсаткичлари билан солиштирганда статистик жиҳатдан муҳим фарқларни кўрсатди. Юқорида ҳисобланган 7 та кўрсаткичда кўп йўналишли статистик аҳамиятга эга ўзгаришлар кузатилди. Бунда иммун реактивликнинг бузилиши, микрофаг тизими фаоллигининг ошиши муҳим аҳамиятга эга.

Тиш протезларидан фойдаланишнинг биринчи кунда, текширилганларда протезларни қўйишда қон интеграл индексларининг (ИЛИ (интоксикациянинг лейкоцитар индекси), ЛСИ (лейкоцитларнинг силжиш индекси), НЛНИ (нейтрофиллар ва лимфоцитлар нисбати индекси), НМНИ (нейтрофиллар ва моноцитлар нисбати индекси)) максимал қийматларга кўтарилиши қайд этилди. Адабиётлардаги маълумотларга кўра, ИЛИ кўрсаткичларининг кўпайиши эндоген захарланиш даражасининг ошиши ва тўқима парчаланиш жараёнларининг фаоллашишига билан боғлиқ. ИЛИ нинг ошиши эозинофиллар сонининг пасайиши, лейкоцитларнинг сегментланган ядроли шаклларининг кўпайиши ва лимфоцитлар ва моноцитлар сонининг камайиши билан боғлиқдир. Бундай вазиятда эритроцитлар чўкиш тезлигининг ошиши ҳам кузатилади.

Тиш протезларини қўллашнинг биринчи кундан бошлаб, моноцитлар ва эозинофиллар (ИСНМ, ИСЛМ, ИСЛЭ) сонининг кўпайиши билан ифодаланган макрофаг тизим фаоллигининг ошиши кузатилади.

Детоксификация функционал йўналишига эга эозинофиллар сонининг кўпайиши, шунингдек лимфоцитлар ва моноцитлар иммун тизим фаоллашувининг белгиси сифатида қабул қилинади.

ИСНМ нинг ўзгаришига қараб микрофагал-макрофагал тизимнинг таркибий қисмлари нисбатини аниқлаш мумкин. Нейтрофил гранулоцитлар тизимли яллиғланиш реакцияси синдромининг асосий эффекторидир. Протезлашдан кейин 7-кун ИСНМ нинг пасайиши махсус ҳимоя тизими фаоллашишини кўрсатиши мумкин.

ИСНМ нинг статистик жиҳатдан сезиларли даражада ошиши номахсус яллиғланиш жараёнининг фаоллашишини кўрсатиши мумкин.

Адабиётлар маълумотларига кўра, ИСЛЭ тез ва секин кечадиган юқори сезувчанлик жараёнларининг нисбатларини акс эттиради. Акрил пластмассада ясалган протезларни қўллашда тадқиқотнинг 7-кунда унинг

сезиларли даражада пасайиши сабабли, бу ҳолда иммун реактивликнинг бузилиши тез кечадиган юқори сезувчанлик жараёнларининг устунлиги билан бирга кечади, деган хулосага келишимиз мумкин, биринчи кунда эса у 3,5 маротаба юқори бўлиб, гипергистаминемия натижасида кўринади.

протезларнинг конструкцион материаллари (мавжуд ёки режалаштирилган) туфайли келиб чиққан патологик симптомлар мажмуасини ташҳислаш; келажакдаги протезларни тайёрлаш учун мақбул материални танлаш, мақсадида “ЛИРА-100” ДК фойдаланилди.

Ушбу диагностика усулининг ишончлилиги беморлар аралаш сўлагининг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш ва иммунологик қон текширувлари билан тасдиқланди. Ушбу ташхисотдан фойдаланиш ташхисотни инвазив бўлмаган усулда ўтказишга имкон беради, бу бизнинг фикримизча катта афзаллик ҳисобланади.

Диссертациянинг “**Даволаш ва профилактика чораларининг самарадорлигини баҳолаш**” тўртинчи бобида тиш протезларини кўтара олмаслик муаммоси бўлган 12 нафар беморнинг профилактик ва даволаш натижалари таҳлил қилинди.

Субъектив мезонлар ичида қуйидагилар қайд этилди: стомалгия комплекс даволашгача 11 та ҳолатда, комплекс даволашдан кейин – 2 та ҳолатда; галитоз: комплекс даволашгача – 15 та, комплекс даволашдан кейин – 2 та ҳолатда; оғизнинг қуриши: комплекс даволашгача – 24 та ҳолатда, комплекс даволашдан кейин – қайд этилмади; ачишиш ҳисси: даволашгача – 16 та ҳолатда, даволашдан кейин – 2 та ҳолатда; дискомфорт: даволашгача 34 та, даволашдан кейин 3 та ҳолатда. Объектив мезонлар ичида қуйидагилар кузатилди: лунж шиллиқ қаватида ёки/ва тилда тишларнинг изи - комплекс даволашгача 36 та ҳолатда, даволашдан кейин – 6 та ҳолатда; оғиз бўшлиғида эрозиялар, яралар: комплекс даволашгача – 18 та ҳолатда, даволашдан кейин – кузатилмади; ; оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати рангининг ўзгариши: комплекс даволашгача – 165 та, даволашдан кейин – 22 та ҳолатда (4-жадвал).

4-жадвал

Турли ортопедик конструкциялар бўлган беморларда даволашдан олдин ва даволашдан кейин оғиз бўшлиғи ҳолати

Оғиз бўшлиғи ҳолатининг мезонлари		Даволашдан олдин	Даволашдан кейин
Субъектив мезонлар	Стомалгия	8	1
	Галитоз	7	1
	Оғизнинг қуриши	6	-
	Ачишиш ҳисси	9	2
	Дискомфорт	11	2
Объектив мезонлар	Тишларнинг изи	6	3
	Эрозиялар, яралар	5	-
	ОБШҚ рангининг ўзгариши	18	6

Протезлашда ишлатиладиган конструкцион материалларга қараб, беморларнинг оғиз бўшлиғи тўқималари ва органлари ҳолатида ортопедик даволашдан сўнг юзага келган ўзгаришлар ҳам таҳлил қилинди.

Зангламайдиган пўлатдан ясалган протезлар бўлган беморларда комплекс даволаш бошланишидан олдин тўқима ва оғиз бўшлиғи органлари клиник ҳолатининг 49 та субъектив ва 156 та объектив мезонлари ва даволанишдан кейин 4 та субъектив ва 11 объектив мезонлари қайд этилди. Металл-керамик конструкциялар билан протезланган беморларда комплекс даволаш бошланишидан олдин оғиз бўшлиғи клиник ҳолатининг 20 та субъектив ва 15 та объектив мезони ва комплекс даволашдан сўнг 2 та объектив мезони қайд этилди, комплекс даволашдан сўнг субъектив мезонлар кузатилмади (5-жадвал).

5-жадвал

Турли ортопедик конструкциялар бўлган беморларда конструкция материалига кўра оғиз бўшлиғи ҳолати

Мезонлар	Симптомлар	1 гуруҳ		2 гуруҳ	
		Даволаш-гача	Даволашдан кейин	Даволаш-гача	Даволашдан кейин
Субъектив мезонлар	Стомалгия	5	1	3	-
	Галитоз	6	1	4	-
	Оғиз қуриши	12	-	3	-
	Ачишиш хисси	7	1	4	-
	Дискомфорт	19	1	6	-
Объектив мезонлар	Тиш излари	21	4	3	1
	Эрозиялар, яралар	11	-	3	-
	ОБШҚ рангининг ўзгариши	124	7	9	1

